

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ИБАДОВ РАУФБЕК РАВШАН ЎҒЛИ**

**COVID-19 КАСАЛЛИГИДА ЮРАК-ҚОН ТОМИР**  
**КАСАЛЛИКЛАРНИНГ КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ибадов Рауфбек Равшан ўғли**

COVID-19 касаллигида юрак-қон томир касалликларининг клиник-  
морфологик хусусиятлари ..... 3

**Ибадов Рауфбек Равшан ўғли**

Клинико-морфологические аспекты сердечно-сосудистых заболеваний при  
COVID-19 ..... 23

**Ibadov Raufbek Ravshan o'g'li**

Clinical and morphological aspects of cardiovascular diseases in COVID-19 ... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ИБАДОВ РАУФБЕК РАВШАН ЎҒЛИ**

**COVID-19 КАСАЛЛИГИДА ЮРАК-ҚОН ТОМИР**  
**КАСАЛЛИКЛАРНИНГ КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3747 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акилов Хабибулла Атауллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Тулабоева Гавхар Миракбаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**  
(Тошкент, Ўзбекистон)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) сўнгги 30 йил ичида икки баравар кўпайган ва 271 миллиондан 523 миллионга етган, улардан вафот этганлар сони эса 18,6 миллион (17,1-19,7 миллион) кишини ташкил этмоқда. COVID-19нинг ЮҚТК оғирлик даражасига таъсири пандемиянинг дастлабки даврида ноаниқ бўлган. Ушбу инфекция ЮҚТК-га чалинган беморларга номутаносиб даражада таъсир кўрсатган ҳолда дунё миқёсида ўлим ҳолатларининг асосий сабабчисига айлангани таъкидланади. Умуман олганда, тадқиқот натижалари 2020-2021 йилларда ЮҚТК сабабли ўлим ҳолатлари сони сезиларли даражада ошмаган ҳолда COVID-19 пандемияси уларни тарқалишига гетероген таъсири ҳақида далолат беради. Маълумки, COVID-19 мавжуд сурункали касалликларининг декомпенсациясига олиб келади, ва жумладан, у оғир кечган ҳолларда салбий оқибатлар юзага келиш хавфи юқори бўлади. Одатда, COVID-19нинг юрак-қон томир патологияси билан биргаликда келиши ташхислашда, даволаш тамойилларини танлашда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда беморларни даволашда кўшимча қийинчиликларга олиб келади. Ушбу масалага бағишланган клиник маълумотларнинг етарли эмаслиги сабабли, ЮҚТК ва COVID-19 билан касалланган беморларни даволашда юзага келадиган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш амалий тиббиёт учун муҳим ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда COVID-19 патофизиологияси ва юрак-қон томир омиллари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш, уларнинг морфологик жиҳатларини ўрганиш, миллий даражадаги маълумотлардан фойдаланиш ва беморлар ёшини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизим касалликларининг қонуниятларини ажратиб кўрсатиш билан тавсифловчи таҳлилларни ўтказишга қаратилган тадқиқотлар ва пандемиянинг соғлиққа ўткир даврдаги ва узоқ муддатли таъсирини тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишларни ўрганиш долзарб масала масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари сурункали касалликларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. ЮҚТК-га чалинган беморларни даволашда замонавий тамойиллар жорий этилмоқда, ва соғлиқни сақлаш тизимининг ўз вақтида, юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган.<sup>1</sup> Ушбу вазифаларни амалга оширишда COVID-19 билан биргаликда юрак-қон томир патологиялари бўлган беморларни даволаш протоколларини мақбуллаштириш орқали амалга ошириш, ушбу муаммонинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамиди аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларда COVID-19нинг кечиш муаммоларини ўрганишга бир қатор хорижий тадқиқотчилар катта ҳисса қўшдилар, ва улар томонидан турли ташҳислаш усуллари, юрак-қон томир асоратларини даволаш ва уни олдини олиш схемалари ишлаб чиқилди, улар қаторида COVID-19 нинг юрак-қон томир касалликлари билан биргаликда кечиши прогнози учун генетик полиморфизмларнинг аҳамиятини аниқлаш муҳим жиҳат ҳисобланади (Zheng Y-Y, Singh M.K., Roth G.A., Vasudeva R., Kingah P.L.). Жумладан, ЮҚТК туфайли ўлим ҳолатларидаги ўзгаришларни аҳоли даражасида ўрганилган, ва COVID-19нинг ЮҚТТ ҳолатига умумий таъсири ҳақида энг кенг тушунча берилган (Roth G.A., Zheng Y-Y, Singh M.K.), ва шу билан бирга, кардиомиоцитларнинг вирусли зарарланиши ва тизимли яллиғланиши таъсири туфайли миокарднинг бевосита шикастланиши, юрак патологияси учун жавобгар бўлган энг кенг тарқалган механизмлар сифатида курсатилган (Kingah P.L., Farshidfar F., Vasudeva R., Han H., Kaur G.).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида Бубнова М.Г. ва бошқалар (2020) COVID-19 ва ЮҚТК эпидемиологияси ва реабилитацияси аспектларини ўрганди; Фисун А.Я., Лобзин Ю.В., Черкашин Д.В., Тйренко В.В., Ткаченко К.Н., Качнов В.А. ва бошқалар (2021) COVID-19 даврида юрак-қон томир тизимига зарар етказиш механизмларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ўтказди; Глйбочко П.В., Фомин В.В., Авдеев С.Н. ва бошқалар (2020) нафас олишни қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясининг оғир клиник кечиш хусусиятларини аниқлади; Кравцова А.В., Гуляева А.А., Голованова Э.Д. ва Аирапетов К.В. (2021) шуни кўрсатдики, COVID-19 ни даволашда антикоагулянтларни қўшиш илгари ташхис қўйилган коронар артерия касаллигининг ривожланиши, гипертоник инқирозларнинг янада ривожланиши, шунингдек, юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилиши хавфини сезиларли даражада камайтиради.

Бизнинг мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, Д.А. Ҳамидов (2023) фолат циклидаги мутациялар ва қон ивиш генлари COVID-19 ва у билан боғлиқ тромбогеник асоратлар учун муҳим хавф омиллари

эканлигини таъкидлайди. Г.А. Абдиеванинг (2023) натижаларига кўра липид спектри COVID-19, коронар артериялар касаллиги ва метаболик синдромнинг комбинацияси ҳолатининг оғирлашуви хавфини, шу жумладан атероген индекс, триглицеридлар ва юқори зичликдаги липопротеинлар даражаларининг ўзгаришини акс эттирувчи прогностик белгисидир. М.М. Мухамедованинг (2023) тадқиқотлари коронавирус инфекциясининг юрак-қон томир асоратлари ва постковид синдроми бўлган беморларда ўткир коронар синдром ривожланиши учун хавф омилларини ўрганишга бағишланган.

Профессор Гадаев А.Г. раҳбарлигида (2020-2023) COVID-19 ва ЮҚТК билан оғриган беморларда ташқи нафас олиш функциясини, қоннинг газ таркибини баҳолаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилди ва натижалар юракнинг ўнг булмачалари ўлчамда, ўпка артерияси диаметрида ва систолик босимда сезиларли ўзгаришларни аниқлади. Бундан ташқари, трикуспидал қопқоғи ҳаракатининг амплитудасидаги ўзгаришлар ўнг юрак дисфункциясининг асосий белгиси сифатида аниқланган.

Шундай қилиб мамлакатимизда кам сонли тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, COVID-19нинг юрак-қон томир патологияси билан биргаликда кечиш ҳолатларида қон ҳужайраларининг морфофункционал ҳолати етарлича ўрганилмай қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, скрининг қилишнинг, шу жумладан, юрак асоратлари хавфи бўлган беморларда қон ҳужайраларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини скрининг қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, шунингдек, қон-томир синдроми билан боғлиқ бўлган COVID-19 ҳолатида гомеостаз бузилишларининг ривожланиш механизмларини аниқлаш илмий қизиқиш уйғотади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ошириш маркази ва “Зангиота-1” Республика ихтисослаштирилган шифохонасининг илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** COVID-19 ва юрак-қон томир патологиялари билан касалланган беморларни даволашнинг ташҳислаш ва терапевтик тактикасини мақбуллаштириш орқали уларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

юрак-қон томир тизими патологияси билан биргаликда COVID-19нинг синдромли-нозологик тузилиши ва клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

юрак-қон томир тизими патологияси билан биргаликда COVID-19 билан касалланган беморларда лабораториявий бузилишлар хусусиятларини аниқлаш;

COVID-19нинг юрак-қон томир тизимининг патологияси билан биргаликда кечиши модификациясига эритроцитларнинг морфофункционал ва морфометрик ҳолати таъсирини баҳолаш;

юрак-қон томир тизими патологияси билан биргаликда COVID-19 билан касалланган беморларни даволашнинг ташҳислаш-даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2021-2022-йилларда Зангиота-1 Республика ихтисослаштирилган шифохонаси шароитида COVID-19 ўртача оғирликда кечган 304 нафар стационар даволанган бемор олинган.

**Тадқиқот предмети** COVID-19 ва ўлим ҳолатларининг ривожланиш хавф омилларини аниқлаган ҳолда COVID-19 ва юрак-қон томир патологик ҳолатлари биргаликда келганда клиник, лабораториявий хусусиятларни, шунингдек, эритроцитларнинг морфологик ва морфометрик бузилишларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, инструментал, лабораториявий, морфологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекциясини юктириш ҳолатида ривожланаётган ва биринчи марта юзага келаётган кардиологик аломатларнинг частотаси, нозологик тузилиши ва ўзгарувчанлиги аниқланган;

COVID-19 ва юрак-қон томир патологиялари биргаликда келган беморларда анча яққол ифодаланган коагуляцион фаоллик, тўқималарнинг яллиғланиб зарарланиш индикаторлари ва лейкоцитлар индексининг ўсиши исботланган;

COVID-19 ва юрак-қон томир патологиялари биргаликда келганда эритроцитларнинг шакли ва ҳажмида сезиларли морфологик гетерогенлик ва уларнинг касаллик ривожланиши ва оқибати билан боғлиқлиги кўрсатилган;

эритроцитларнинг нормал ва патологик шакллари нисбати ва касалликнинг дастлабки аломатларининг пайдо бўлиш вақти, нафас етишмовчилиги даражаси, иммун-яллиғланиш жараёнларининг ривожланиши ва COVID-19нинг клиникаси ўртасида яқин боғлиқлик аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 пневмонияси билан касалланган беморларда юрак-қон томир патологиясининг пайдо бўлиши ёки ривожланишининг касаллик оғирлигига, оқибатларига ва комплекс даволаш ёндашувини танлашга таъсир қилувчи боғлиқлик ва клиник предикторлари аниқланди;

COVID-19да юрак-қон томир патологиясининг ривожланиши ва зўрайишида статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзаро боғлиқлик оилада юрак-қон томир касалликлари, ортиқча тана вазни ( $OTB > 30$ ) ва қандли диабет билан оғирлашганда кузатилиши мумкинлиги кўрсатилган;

COVID-19да юрак-қон томир патологиясини даволаш тактикасини танлашда COVID-19нинг оғирлигини, компенсация даражасини ва юрак етишмовчилиги хавфини баҳолашда эритроцитларни морфологик ва морфометрик ўрганишнинг ташхислашга доир имкониятлари очиб берилган;

беморларнинг лаборатория ва гемоморфологик хусусиятларини ҳамда COVID-19нинг асосий клиник синдромлари оғирлигини ҳисобга олган ҳолда, COVID-19 ва у билан биргаликда келган юрак-қон томир тизими патологиялари бўлган беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги беморлар аҳволини баҳолашнинг объектив мезонлари,

ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувларни тўғри қўллаш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотларнинг ўзига хос назарий аҳамиятга эгаллиги билан, эритроцитлардаги морфофункционал ўзгаришларнинг COVID-19 кечиши модификациясига таъсирини баҳолаш билан, COVID-19 ҳолатида юрак-қон томир касалликларининг нозологик тузилиши клиник-лабораториявий ва гемоморфологик хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар юрак-қон томир касалликлари билан касалланган беморларни COVID-19 инфекцияси юктириш ҳолатида модификацияланган и модификацияланмаган хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, ва зарур клиник, лабораториявий, инструментал ва морфологик тадқиқотлар ҳажмини аниқлаш билан даволашнинг тактик жиҳатларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024-йил 16-апрелдаги 4-сонли хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 16 апрелдаги 4-сонли баённомаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: COVID-19 инфекциясини юктириш фонида ривожланаётган ёки биринчи марта юзага келаётган кардиологик аломатларнинг частотаси, нозологик тузилиши ва ўзгарувчанлиги аниқлангани Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси (2023 йил 5 июндаги 52/1-2-сонли) ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2023 йил 3 июндаги 86/л-“И”-сонли) буйруқлари амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эрта ташхислаш таъминланади ва COVID-19да юрак-қон томир патологиясининг оғир ҳолатлар сони камайишига эришилади; COVID-19нинг ўткир даврдан кейин тикланиш вақти қисқариб, ундан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 ҳолатида юрак-қон томир белгиларини ташхислашда янги ёндашувларни жорий этиш натижасида беморларни даволашнинг ўртача муддатини 22,7 кундан 16,4 кунга қисқартириш ҳисобига Зангиота-1 Республика ихтисослаштирилган шифохонаси прејскурантига кўра ҳар бир бемор учун 4 561 200 сўм иқтисод қилиниб, йиллик иқтисодий кўрсаткич (112 нафар бемор учун) 510 854 400 сўмни ташкил этди. Хулоса: COVID-19да юрак-қон томир белгиларини ташхислаш ва даволашда янги ёндашувларни жорий этиш ҳамда беморларни даволашнинг ўртача муддатини қисқартириш 1 йил давомида 510 854 400 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: “COVID-19 касаллигида юрак-қон томир касалликларнинг клиник-морфологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 16 апрелдаги 4-сонли баённомаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган;

иккинчи илмий янгилик: COVID-19 ва юрак-қон томир патологиялари биргаликда келган беморларда коагуляцион фаолликнинг яққол ифодаланиши, тўқималарнинг яллиғланишли шикастланиш индикаторларининг ҳамда лейкоцитар индексининг ўсиши исботлангани Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси (2023 йил 5 июндаги 52/1-2-сонли) ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2023 йил 3 июндаги 86/л-“И”-сонли) буйруқлари амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 билан касалланган беморларда, касалликнинг ўткир даврида ва ўрта муддатли истиқболда юрак-қон томир асоратларини эрта аниқлашни ва олдини олишни таъминланиши. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: клиник ва лаборатор ўзгаришларни эрта аниқлашнинг янги ёндашувларини жорий этиш, COVID-19 билан боғлиқ юрак-қон томир асоратларини камайтириш ва жонлантириш бўлимига ётқизишнинг ўртача давомийлигини 9,4 кундан 6,7 кунга қисқартириш ҳисобига Зангиота-1 Республика ихтисослаштирилган шифохонаси прејскурантига кўра ҳар бир бемор учун 5 604 768 сўм иқтисод қилинди ва йиллик иқтисодий кўрсаткич 212 981 184 сўмни (38 нафар беморга) ташкил этди. Хулоса: COVID-19да эрта ихтисослаштирилган клиник-лаборатор ташхислашнинг янги ёндашувларини жорий этиш ва жонлантириш бўлимидаги беморларни даволашнинг ўртача муддатини қисқартириш 1 йилда 212 981 184 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: “COVID-19 касаллигида юрак-қон томир касалликларнинг клиник-морфологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 16 апрелдаги 4-сонли баённомаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган;

учинчи илмий янгилик: COVID-19 ва юрак-қон томир патологиялари биргаликда келганда эритроцитларнинг шакли ва ўлчамларида сезиларли даражада морфологик гетерогенлик кузатилиши ва уларнинг касаллик ривожланиши ҳамда оқибати билан боғлиқлиги кўрсатилгани Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси (2023 йил 5 июндаги 52/1-2-сонли) ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2023 йил 3 июндаги 86/л-“И”-сонли) буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: касалликнинг гематологик ва морфофункционал салбий оқибатларининг содир бўлиш даражаси камайд; беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берган ҳолда клиник аломатларнинг ортга чекиниши таъминланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: COVID-19да юрак-қон томир патологияларида морфогематологик бузилишларни аниқлашнинг янги ёндашувларини жорий этиш ва лаборатор ташхислаш харажатларини пасайтириш ҳисобига Зангиота-1 Республика ихтисослаштирилган шифохонаси прејскурантига кўра ҳар бир бемор учун 216 000 сўм иқтисод қилинди ва йиллик иқтисодий кўрсаткич (150

нафар бемор учун) 32 400 000 сўми ташкил этди. Хулоса: COVID-19да юрак-қон томир патологияларида морфогематологик бузилишлари аниқлашнинг янги ёндашувларини жорий этиш ва лаборатор ташхислаш харажатларини пасайтириш 1 йилда 32 400 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: “COVID-19 касаллигида юрак-қон томир касалликларнинг клиник-морфологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 16 апрелдаги 4-сонли баённомаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган.

Тўртинчи илмий янгилик: эритроцитларнинг меърий ва патологик шакллари нисбати ҳамда касалликнинг дастлабки аломатларининг пайдо бўлиш муддатлари, нафас етишмовчилиги даражаси, иммун-яллиғланиш жараёнларининг ривожланиши ва COVID-19нинг клиникаси ўртасида яқин ўзаро боғлиқлик аниқлангани Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси (2023 йил 5 июндаги 52/1-2-сонли) ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2023 йил 3 июндаги 86/л-“И”-сонли) буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нафас олиш ва юрак етишмовчилигининг оғирлиги ва иммун-яллиғланиш жараёнларининг ривожланиш даражаси пасаяди; даволаш ва тикланиш тадбирларининг асосли тарзда тузилиши ва беморларнинг кундалик ҳаётга эрта қайтиши таъминланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: COVID-19 инфекциясини юқтириш ҳолатида юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларни даволашда янги ёндашувларни жорий этиш ва дори-дармонлар билан даволаш харажатларини камайтириш ҳисобига Зангиота-1 Республика ихтисослаштирилган шифохонаси прејскурантига кўра бир нафар бемор учун 424 000 сўм иқтисод қилинди, йиллик иқтисодий кўрсаткич (150 нафар бемор учун) 63 600 000 сўми ташкил этди. Хулоса: COVID-19 инфекцияси юққанида юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларни даволашда янги ёндашувларни жорий этиш ва дори- дармонлар билан даволаш харажатларини камайтириш 1 йилда 63 600 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: “COVID-19 касаллигида юрак-қон томир касалликларининг клиник-морфологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 16 апрелдаги 4-сонли баённомаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда 6 та

мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, якуний қисм, хулоса, амалий тавсиялар ва иқтибос келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матнли материалнинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, иш натижаларининг апробациядан ўтказилганлиги ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“COVID-19 ва юрак-қон томир тизими патологияси”** деб номланган биринчи бобида SARS-CoV-2 келтириб чиқарган касалликнинг кечиши ва унинг асоратлари хусусиятларини ўрганиш бўйича адабиётлар таҳлили акс эттирилган. Кузатувларга кўра, асоратларнинг намоён бўлиши турли аъзолар ва тизимлар, яъни юрак-қон томир тизими, нафас олиш, асаб ва иммун тизимларининг бир қатор бузилишлари билан боғлиқ. Аммо, ҳозирги пайтгача ёндош касалликларга чалинган беморларда COVID-19нинг клиник хусусиятлари аниқлаб олинмаган. COVID-19да юрак ва қон томирларининг зарарланиши кўп ҳолларда АГ, миокардит, кардиомиопатия ва миокард ишемияси аломатлари билан намоён бўлади. Коронавирус инфекцияси билан касалланиш даражасининг сақланиб туриши, янги штаммларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тез ўзгарувчан турлари COVID-19ни ўрганишни давом эттириш ва юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларда асоратларни даволаш ва олдини олиш бўйича комплекс тактикаларни шакллантиришни талаб қилади.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг ва қўлланиладиган тадқиқот усуллариининг умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи боб беморларни тавсифлашга, шунингдек, қўлланилган тадқиқот усулларига бағишланган. Диссертация иши 2021-2022 йилларда Зангиота-1 РИШ негизида бажарилган. Тадқиқотга COVID-19 билан касалланган жами 304 нафар бемор киритилган. Асосий гуруҳни турли касалликлар ва юрак-қон томир тизимидаги (ЮҚТТ) патологик ўзгаришлар билан биргаликда COVID-19 билан касалланган, 2021-йил март ойидан 2022-йил февраль ойигача даволаш учун ётқизилган 150 нафар бемор ташкил этди. Худди шу давр мобайнида 154 нафар бемор таққослаш гуруҳи сифатида тасодифий танлаб олинган ва текширилган, шу жумладан улар COVID-19 туфайли касалхонага ётқизилган, аммо текшириш ва даволаш давомида ЮҚТТда ҳеч қандай ёндош патология аниқланмаган.

Диссертациянинг **“Юрак-қон томир патологияси билан биргаликда ва COVID-19нинг алоҳида ўзини бошдан кечирган беморларда COVID-19нинг клиник ва лабораториявий хусусиятларининг қиёсий таҳлили”** дея номланган учинчи бобда юрак-қон томир тизими патологияси билан

биргаликда келган COVID-19нинг синдромли-нозологик тузилиши ва клиник кечишининг хусусиятлари аниқланган, шунингдек, юрак-қон томир тизими патологияси билан биргаликда COVID-19 билан касалланган беморларда лабораториявий бузилишларнинг хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, COVID-19 инфекциясини юқтириш ҳолатида кучайиб бораётган ёки илк бор пайдо бўлаётган юрак патологиялари орасида кўп ҳолларда I-II даражали АГ (60,0%) ташхисланган, 2 ва 3 даражали ЮИК зўриқиш стенокардияси 48,7% ва 48,0% - деярли тенг учрашига қарамай 4 хавф даражаси 32,7% бўлган 3 хавф даражасига нисбатан анча кўпроқ - 67,3% ҳолатларда кўйилган. Шу билан бирга, NYHA 3 босқичига мос келадиган ЮЕ (юрак етишмовчилиги) NYHA 4 га (32,0%) нисбатан кўпроқ (68,0%) аниқланган.

Юрак ритмининг бузилиши билан кузатилган патологик ҳолатлар 23,3% ҳолатда аниқланган. Эхокардиографик аномалиялар ошқозон ости безининг юклама остидаги дисфункцияси (22,7%), ЧҚ девори қисқаришининг бузилиши (18,7%), ОФ пасайиши билан ЧҚнинг систолик дисфункцияси (17,3%), диастолик дисфункция (14,0%), ва перикардиал соҳада тўпланган суюқликни (токсик миокардит) (7,3%) ўз ичига олади.

COVID-19да юрак-қон томир патологиясининг ривожланиши ва зўрайиши учун энг жиддий хавф омиллари бу юрак-қон томир касалликлари бўйича оғир анамнезнинг (ОР=10,39), 30 дан юқори ТВИ (ОР=2,63) ва ҚД (ОР=1,55) мавжудлиги ҳисобланади (1-жадвал).

#### 1-жадвал


#### COVID-19 билан оғриган беморларда юрак-қон томир тизими патологияси учун хавф омиллари ўртасидаги боғлиқлик

	ОР (ДИ)	p
Оилавий анамнезида ЮҚТ касалликлари	1.95 (95% ДИ 1.6-2.4)	<0.001
ТВИ 30 дан юқори	1.3 (95% ДИ 1.0-1.7)	<0.05
Чекиш	0.80 (95% ДИ 0.6-1.1)	>0.05
ҚД	1.7 (95% ДИ 1.4-2,1)	<0.001

ЮҚТК патологияси билан биргаликда COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник хусусиятларини солиштирганда, алоҳида ўзи кечган COVID-19дан фарқли ўлароқ, ўткир бошланиш ҳолатлари нисбатан юқорилиги аниқланган (44,2% га нисбатан 64,0%;  $p<0,001$ ), нафас етишмаслиги (62,0% га нисбатан 84,0%;  $p<0,001$ ), Жонлантириш ва жадал муолажалар бўлинмасига ётқизиш (11,7% га нисбатан 25,3%;  $p=0,004$ ), ЎДЯЗ (ўткир диффуз яллиғланишдан зарарланиш)нинг ривожланиши (9,1% га нисбатан 20,0%;  $p=0,012$ ), касалхонадаги ўлим ҳолати (2,7% га нисбатан 10,7%;  $p=0,006$ ).


Юрак-қон томир патологиялари билан биргаликда кечган COVID-19 ва ўзи алоҳида кечган COVID-19нинг лабораториявий гематологик хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинганда, юрак-қон томир патологиялари билан биргаликда кечган COVID-19нинг дастлабки босқичлари ва динамикаси анча яққол гиперкоагуляция синдроми, тўқималарнинг яллиғланишдан зарарланиши ва

D-димер ( $p < 0,001$ ) (1-расм), ферритин ( $p < 0,001$ ), СРО ( $p = 0,03$ ) (2-расм), ЭЧТ ( $p = 0,025$ ), прокальцитонин ( $p < 0,001$ ) даражаларидан статистик жиҳатдан сезиларли фарқланувчи иммун-яллиғланиш реакцияси билан тавсифланади.



**1-расм. ЮҚТТда патологияси бўлган (асосий гуруҳ) ва ЮҚТТда патологияси бўлмаган (таққослаш гуруҳи) ҳолда COVID-19 билан касалланган беморларида D-димер даражасининг динамикаси**


Лейкоцитар кўрсаткичларида нормадан оғиш кузатилган асосий гуруҳдаги беморларнинг улуши таққослаш гуруҳига нисбатан аниқ юқори эди. Асосий гуруҳдаги беморларда лейкоцитлар сони (ўртача кўрсаткич  $6,4 \pm 0,09 \times 10^9/\text{л}$ ) таққослаш гуруҳига ( $5,8 \pm 0,08 \times 10^9/\text{л}$ ;  $t = 4,98$ ;  $p < 0,001$ ) ва нейтрофилларга (ўртача кўрсаткич  $3,40 \times 10^9/\text{л}$  нисбатан  $4,6 \times 10^9/\text{л}$ ;  $t = 11,5$ ;  $p < 0,001$ ) нисбатан анча кўп эди. Шу билан бирга, таққослаш гуруҳига нисбатан асосий гуруҳдаги беморларда лимфоцитлар сонининг (ўртача  $1,0 \pm 0,01 \times 10^9/\text{л}$  га нисбатан  $0,7 \pm 0,01 \times 10^9/\text{л}$ ;  $t = 13,4$ ;  $p < 0,001$ ) ва тромбоцитлар сонининг ( $p < 0,001$ ) анча камлиги қайд этилди.



**2-расм. ЮҚТТда патологияси бўлган (асосий гуруҳ) ва ЮҚТТда патологияси бўлмаган (таққослаш гуруҳи) ҳолда COVID-19 билан касалланган беморлар СРО даражасининг динамикаси**

COVID-19 билан касалланган беморларда нохуш оқибатларнинг яна бир предиктори бўлиб ҳисобланган кўрсаткич - нейтрофил-лимфоцитлар индекси ҳисобланади (НЛИ), у нейтрофилларнинг мутлақ сонини лимфоцитларнинг мутлақ сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. COVID-19 клиник жиҳатдан зўрайган ва ЖЖМБга ўтказилган беморларда НЛИ 2,0 ёки ундан юқори бўлган.

Лейко-формуланинг барча ҳисобланган маълумотларини бирлаштирган индекс, яъни эозинофиллар, базофиллар ва нейтрофиллар йиғиндисининг моноцитлар ва лимфоцитлар йиғиндисига нисбати сифатида ҳисобланган лейкоцитар силжиши индекси (3-расм) COVID-19 инфекциясини юқтирган ҳолатдаги юрак-қон томир касалликларида лимфоцитлар ва моноцитларнинг нисбатан сезиларли даражада камайиши, шунингдек, нейтрофиллар сонининг кўпайиши кутилганидек, таққослаш гуруҳидан статистик фарқ билан асосий гуруҳда ушбу индекснинг юқори кўрсаткичини берди.



**3-расм. COVID-19 билан касалланган ҳолда ЮҚТТ патологияси бўлган (асосий гуруҳ) ва ЮҚТТ патологияси бўлмаган (таққослаш гуруҳи) беморларида лейкоцитар силжиш индексининг динамикаси**

Лейкоцитар силжишнинг дастлабки индекслари ўртача қийматлари асосий гуруҳда  $1,32 \pm 0,07$  (0,5-2,6) ва  $0,86 \pm 0,05$  (0,5-1,9) ва таққослаш гуруҳида мос равишда ( $t=5,35$ ,  $p<0,001$ )ни ташкил этди. Динамикада ушбу кўрсаткич иккала тадқиқот гуруҳида ҳам камайди ва беморларни касалхонага ётқизишнинг 14-кунида асосий гуруҳда  $1,18 \pm 0,06$  (0,5-2,1) ва  $0,73 \pm 0,04$  (0,4-1,6)ни ташкил этди ва таққослаш гуруҳида мос равишда ( $t=6.24$ ,  $p<0.001$ )ни ташкил этди.


Диссертациянинг **“COVID-19 нинг эритроцитлар фаолиятига таъсири: биокимёвий оқибатлар ва морфофункционал жиҳатлар”** дея номланган тўртинчи бобида COVID-19 билан касалланган беморларда қизил қон таначаларининг морфологик аномалияларини баҳолашга ва эритроцитларнинг ЮҚТТ патологияси билан биргаликда COVID-19нинг клиник кечишида муҳим ўрин тутишини илмий жиҳатдан асослаб беришга имкон берувчи истикболли тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотга қуйидаги қоида бўйича 3-та гуруҳга бўлинган 142 нафар бемор иштирок этди: COVID-19 ва ЮҚТТ патологияси биргаликда келган (1-гуруҳ,  $n=56$ ); ЮҚТТ патологияси бўлмаган COVID-19 (2-гуруҳ,  $n=44$ ); COVID-19 билан касалланмаган, аммо ЮҚТТ патологияси бўлган беморлар (3-гуруҳ,  $n=42$ ). COVID-19 ва ЮҚТТ патологияси (1-гуруҳ) биргаликда келишининг асосий ўзига хос хусусиятлари камқонлик ҳамда морфологик ва морфометрик аҳамияти қуйида келтирилган RDW (эритроцитлар тақсимотининг кенглиги)нинг сезиларли даражада ошиши бўлди.

Инфекция юқтирганда, иммун-яллиғланиш жараёнлари ва COVID-19 нинг клиникаси кучайганда эритроцитларнинг дискоцитлари ва патологик шакллари нисбати, асосан, қиррали эритроцитлар ҳисобига патологик шакллар улушининг ўсишига қараб ортади. Шунингдек, нормал ва патологик шаклларнинг нисбати касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиш муддатлари ва нафас етишмаслиги даражаси билан бевосита пропорционал эканлиги қайд этилди. Эритроцитларнинг патологик шакллари чўзинчок бўлиши қайд этилди.


1-гуруҳдаги эритроцитларнинг доминант тури (COVID-19 ва ЮҚТК бор беморлар) дискоцитлар бўлиб, улар ўртача  $77,3 \pm 1,7\%$  ташкил қилди (54 дан 93% гача), бу 2-чи гуруҳга нисбатан (юрак-қон томир патологияси бўлмаган ҳолда COVID-19 билан касалланган беморлар) статистик жиҳатдан сезиларли даражада камроқ эди ( $n=0,003$ ) -  $84,1 \pm 1,54\%$  (72% дан 93% гача) ва 3-чи гуруҳга нисбатан (COVID-19 билан касалланмай юрак-қон томир патологияси бўлган беморлар) камроқ эди ( $n<0,001$ ) -  $88,4 \pm 1,4\%$  (дан 81% дан 96% гача).

3-чи гуруҳдаги беморларда эритроцитларнинг патологик шакллари ўртача 8-12%, эхиноцитлар  $2,7 \pm 0,2\%$ , стоматоцитлар  $3,3 \pm 0,2\%$ , тароксимон эритроцитлар -  $4,4 \pm 0,3\%$ , асл ҳолига қайтмас шакллар -  $1,2 \pm 0,1\%$ .

Юрак-қон томир тизими патологияси бўлмаган COVID-19 гуруҳидаги беморларда дискоцитлар нисбати ва эритроцитларнинг патологик шаклларида сезиларли силжишлар мавжуд.



**4-расм. Эритроцитларнинг нормал ва патологик шакллари нисбатида сезиларли силжиш. Нормал ва патологик эритроцитларнинг қуйқум кўриниши. COVID-19 оғир кечган 64 ёшли эркак. Гемоглобин 97 г/л, эритроцитлар тарқалиш кенглиги - 15,9%. ҚТЭУ, 10×40 ва СЭМ×1000**



**5-расм. COVID-19 инфекциясини юқтириб, касаллик ўртача оғирликда кечган 48 ёшли беморнинг қон эритроцитлари, ёндош ЮИК ва ГК мавжуд. Қуйқум кўринишга эга. Периферик қонда эритроцитларнинг патологик шакллари устун. Эритроцитларнинг тарқалиш кенглиги 17,2% ни ташкил қилади. А) СЭМ ×1000; Б) Турли сиртқи оксил ҳосилалари кўринади. СЭМ ×5000**


Эхиноцитлар  $3,4 \pm 0,3\%$  гача, стоматоцитлар  $4,5 \pm 0,4\%$  гача, тароксимон эритроцитлар  $6,4 \pm 0,5\%$  гача, шунингдек, асл ҳолига қайтмас шакллар  $1,6 \pm 0,1\%$  гача кўпайиб, салмоғи ортган. Нормал эритроцитларининг улуши деярли 20% га камайган (2-жадвал).

COVID-19 нинг юрак-қон томир патологияси билан биргаликда кечишининг яна бир хусусияти бўлиб аномал қизил қон таначалари улуши юқори бўлган ҳолатларнинг кўпайиши ҳисобланади (6-расм).

## Дискоцитлар ва эритроцитларнинг патологик шакллари нисбати

Кўрсаткич	1 гуруҳ (n=56)	2 гуруҳ (n=44)	3 гуруҳ (n=42)	p
Дискоцитлар	77,3±1,6%	84,1±1,5%	88,4±1,4%	*0.003 **<0.001
Эхиноцитлар	5,2±0,4%	3,4±0,3%	2,7±0,2%	*<0.001 **<0.001
Стоматоцитлар	6,2±0,5%	4,5±0,4%	3,3±0,2%	*<0.001 **<0.001
Тароқсимон эритроцитлар	8,2±0,6%	6,4±0,5%	4,4±0,3%	*<0.001 **<0.001
Асл ҳолига қайтмас шакллар	3,1±0,3%	1,6±0,1%	1,2±0,1%	*<0.001 **<0.001

*Эслатма:* Маълумотлар ўртача ( $M \pm m$ , %) кўринишида тақдим этилган. (\* - 1 ва 2 гуруҳлар орасида, \*\* - 1 ва 3 гуруҳлар орасида).




**6-расм. Периферик қондаги эритроцитларнинг патологик шакллари (аномалиялари)нинг аниқланган фоизига қараб тадқиқот гуруҳларида беморларнинг тақсимланиши**

Бундан ташқари, касаллик енгил кечган беморларнинг қонида ҳам, шунингдек, респиратор ёрдам талаб этиладиган беморларда ҳам бундан кўпроқ ўзгаришлар кузатилади. Бу эритроцитлар патологик шакллари улуши барча қизил қон таначаларининг 40-45% га етишига олиб келади. Стоматоцитлар ва тароқсимон эритроцитлар улуши айниқса сезиларли даражада ошади ва нормал кўрсаткичлардан 3 баравар ортук.

Диссертациянинг “COVID-19 ҳолатида юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларни даволаш тактикасини мақбуллаштириш” дея номланган бешинчи бобида COVID-19 ҳолатида кардиал бузилишлар хусусиятини ташхислаш, юрак-қон томир

патологиясининг зўрайиш хавфини тахмин қилиш ва уни даволаш алгоритми таклиф этилади (7-расм).



**7-расм. COVID-19 ҳолатида кардиал касалликларининг хусусиятини ташхислаш, зўрайиш хавфини тахмин қилиш ва юрак-қон томир патологиясини даволаш алгоритми**

COVID-19 билан касалланган беморларни дастлабки баҳолаш нафас олиш ёки юрак-қон томир касалликлари келтириб чиқариши мумкин бўлган аломатларни аниқлашни ўз ичига олган бўлиши керак, улар жумласига нафас

қисилиши, гипоксияни кўрсатадиган аломатлар (масалан, онг чалкашлиги) ва оғир кечувчи COVID-19га хос маълум хавф омиллари киради, шу жумладан юқори ТВИ, ЮИК, ЮЕ ёки кардиомиопатия, 2-чи типдаги ҚД ва чекиш, шунингдек, COVID-19 оғир кечишининг эҳтимолий хавф омиллари ва АГ, ГК, 1-чи типдаги ҚДни ўз ичига олади.

Агар клиник манзара кўкрак қафасидаги оғриқлар, стенокардиянинг бошқа аломатлари, янги юрак етишмовчилиги, тўсатдан юракнинг тўхтаб қолиши ва/ёки ЭКГда янги ишемик ўзгаришлар мавжудлигига асосланган ўКС, шу жумладан МИ ёки беқарор стенокардия мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатса, шошилишч коронар ангиография ва жарроҳлик аралашуви, ва тегишли муолажаларни тайинлаш учун кўрсатмаларни аниқлаб олиш мақсадида ўз вақтида баҳолаш талаб этилади. COVID-19 билан касалланган беморлар популяциясида ёндош касалликларнинг кенг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда уларда юқори даражадаги ўКС хавфи мавжуд. COVID-19 билан касалланиб, ўКС тахмин қилинмаган беморлар учун кейинги кардиологик синовлар ўтказиш, қоидага кўра, буюрилмайди.

- Ўткир юрак етишмовчилиги симптомлари ёки аломатлари бўлмаган ҳолда тропонин ўртача кўтарилган беморларнинг кўпчилиги клиник кузатув остида бўлишлари мумкин.

- Илк бор ЮЕ ривожланган беморларда қоринча ва клапанларнинг регионар ва глобал функцияларини баҳолаш учун динамикада ЭхоКГ бажарилиши керак.

Қоринчалар ҳаракатида аномалия бўлган, тропонин даражаси юқори бўлган ва ўКС бўлмаган беморларда эҳтимолий ташхислар стресс-кардиомиопатияни, клиник тахмин қилинган миокардит ва ўткир ўпка юрагини ўз ичига олади (алоҳида тавсифланган миокард зарарланишининг кўплаб бошқа сабаблари билан бир қаторда).

COVID-19 билан боғлиқ кардиомиопатия одатда ўКСга ўхшаш симптомларга эга, шунинг учун стресс-кардиомиопатияни ташхислаш учун одатда ўКСни истисно қилиш мақсадида коронарография талаб этилади. COVID-19 пандемияси шароитида, ўКСга эҳтимоли бўлганда ва шошилишч аралашувни талаб қилувчи коронарография ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, юракни катетерлаш учун лаборатория ресурсларининг мавжудлиги ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқилган протоколнинг самарали қўлланилиши бутун тадқиқот даврида таҳлил қилинди. Масалан, бутун тадқиқот даврида кузатилган 150 нафар беморнинг COVID-19 инфекциясини юқтирган ҳолатда юрак-қон томир касалликлари билан касалланган 28,3% (150 нафардан 38 нафари) ЖЖТБга ўтказилган, касалхонада юз берган ўлим ҳолати кўрсаткичи эса 8,0 фоизни (150 нафардан 12 нафарини) ташкил этган. Натижаларнинг умумий таҳлили беморларнинг ЖЖТБга ётқизилиш даражаси 37,8% дан 10,3% гача ( $n=0,011$ ) ва ўлим даражаси 13,5% дан 2,6% гача ( $p=0,032$ ) пасайганлигини кўрсатди.

## ХУЛОСА

1. COVID-19 ҳолатида кардиологик бузилишлар (кучайиб бораётган ёки илк бор пайдо бўлган) I-II даражали АГ (60,0%), 3-чи хавф даражаси (32,7%), 4-чи хавф даражаси (67,3%), ЮИК нинг стабил зўриқиш стенокардияси ФС 2 (48,7%) ва ФС 3 (48,0%), NYHA-нинг 3-чи босқичи (68,0%) ва 4-чи босқичи (32,0%), юрак ритмининг турлича бузилишлари (23,3%), ЎҚ дисфункцияси (22,7%), ЧҚ деворларининг қисқариш қобилятининг бузилиши (18,7%) ва унинг систолик дисфункцияси (17,3%), ЧҚ диастолик дисфункцияси (14,0%) ва перикардиал соҳада суюқлик тўпланиши (7,3%) билан намоён бўлади ва асосий касалликнинг кечишини ва унинг оқибатларини оғирлаштириши аниқланди.

2. COVID-19да юрак-қон томир патологиясининг ривожланиши ва зўрайиши учун энг жиддий хавф омиллари бу юрак-қон томир касалликлари бўйича оғир анамнезнинг (OR=10,39), 30 дан юқори ТВИ (OR=2,63) ва КД (OR=1,55) мавжудлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳолатларнинг ярмида (49,3%) юрак-қон томир тизимининг 1-та патологик ҳолати қайд этилган, 32,0% ҳолатда 2-та ўзгариш биргаликда келганлиги аниқланган, юрак-қон томир тизимининг 3-та патологияси бўлган беморлар 14,0% ҳолатда, юрак-қон томир тизимининг 4-та патологияси бўлган беморлар - 4,6% ҳолатда кузатилган ва юрак етишмовчилигининг декомпенсацияси COVID-19 билан биргаликда юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларнинг 10,7%да ташхисланган.

3. ЮҚТТ патологияси билан биргаликда COVID-19 билан касалланган беморларда, COVID-19нинг ўзини алоҳида бошдан кечирган беморлардан фарқли равишда, касалликнинг ўткир бошланиши (44,2% га нисбатан 64,0%;  $p < 0,001$ ), нафас етишмаслиги (62,0% га нисбатан 83,7%;  $p < 0,001$ ), ЖЖТБга ётқизиш (11,7%га нисбатан 25,3%;  $p < 0,01$ ), ЎРДС ривожланиши (9,1% га нисбатан 20,0%;  $p < 0,01$ ), касалхонада юз берган ўлим ҳолати (2,7% га нисбатан 10,7%;  $p < 0,01$ ) даражаси юқорилиги аниқланган.

4. Юрак-қон томир патологиялари билан биргаликда кечган COVID-19нинг дастлабки босқичлари ва динамикаси анча яққол гиперкоагуляция синдроми, тўқималарнинг яллиғланишдан зарарланиши ва D-димер ( $p < 0,001$ ), ферритин ( $p < 0,001$ ), СРО ( $p = 0,03$ ), ЭЧТ ( $p = 0,025$ ), прокальцитонин ( $p < 0,001$ ) даражаларидан, лейкоцитар индекслар: (НЛИ ( $p < 0,001$ ), нейтрофилларнинг ядро силжиши индекси ( $p < 0,01$ ) ва лейкоцитар силжишдан ( $p < 0,001$ ) статистик жиҳатдан сезиларли фарқланувчи иммун-яллиғланиш реакцияси билан тавсифланиши аниқланган.

5. Юрак-қон томир синдроми билан биргаликда келган COVID-19да периферик қон эритроцитларининг морфологик хусусиятлари аниқланди, улар юқори RDWнинг 45,5% дан 67,9% гача ( $p < 0,05$ ) ва ўртача RDW қийматининг 13,1% дан (11,8-15,4%) 14,3% (12,6-15,8%) гача ( $p < 0,0001$ ) ортиши; аномал шакллар улушининг COVID-19нинг ўзини алоҳида бошдан кечирганда 13,6% дан COVID-19 юрак-қон томир патологияси билан биргаликда бошдан кечирганда 32,1% гача ( $p < 0,05$ ), асосан тароқсимон эритроцитлар ҳисобига

6,4+0.5% дан 8,2+0,6% гача ошиши ва беморни ЖЖТБга ўтказиш (НХ=6,0) ва ўлим (НХ=4,33) хавфини оширувчи эритроцитларнинг асл ҳолига қайтмас шакллари улушининг 1,6+0,1% дан 3,1 + 0,3% гача ошиши ( $p<0,001$ ) билан тавсифланиши аниқланган.

6. Юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларни COVID-19 инфекциясини юқтирган ҳолатда даволашнинг ишлаб чиқилган тактикасини қўллаш беморларни ЖЖТБ бўлимига ўтказиш ҳолатларини 37,8% дан 10,3% гача ( $p<0,01$ ) ва ўлим кўрсаткичини 13,5% дан 2,6% гача ( $p<0,05$ ) пасайтиришга олиб келиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ  
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ**

---

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ  
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

**ИБАДОВ РАУФБЕК РАВШАН УҒЛИ**

**КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СЕРДЕЧНО-  
СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПРИ COVID-19**

**14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2023.3.PhD/Tib3747.**

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Акилов Хабибулла Атауллаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
доктор медицинских наук, профессор  
**Тулабоева Гавхар Миракбаровна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский педиатрический медицинский институт (Ташкент, Узбекистан)**

Защита состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский р-н, ул. Фараби, 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru), Ташкентская медицинская академия).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский р-н, ул. Фараби, 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2024 года).

**А.Г. Гадаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А. Набиева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.Л. Аляви**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации PhD)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной Организации Здравоохранения распространенность сердечно-сосудистых заболеваний (ССЗ) удвоилась за последние 30 лет с 271 млн до 523 млн случаев, а число смертей достигло 18,6 млн (17,1-19,7 млн). Влияние COVID-19 на тяжесть ССЗ на ранних этапах пандемии было неясным. Отмечается, что эта инфекция стала ведущей причиной смертности во всем мире, оказывая непропорционально большое влияние на пациентов с ССЗ. В целом результаты исследования свидетельствуют о неоднородном влиянии пандемии COVID-19 на распространенность ССЗ в 2020-2021 гг. без существенного увеличения количества летальных исходов вследствие острых респираторных инфекций. Известно, что COVID-19 вызывает декомпенсацию имеющихся хронических заболеваний, среди них в тяжелых случаях высок риск негативных последствий. Обычно сочетание COVID-19 с сердечно-сосудистой патологией приводит к дополнительным трудностям в диагностике, выборе принципов лечения, а также лечению пациентов в случаях, которые невозможно отложить. В связи с отсутствием клинических данных по этому вопросу для практической медицины важно решение ряда проблем, возникающих при лечении больных ССЗ и COVID-19.

В настоящее время в мировой практике проводятся исследования, направленные на оценку связи патофизиологии COVID-19 с сердечно-сосудистыми факторами, изучение их морфологических аспектов с использованием данных национального уровня, проведение описательных анализов с выделением закономерностей заболеваний этой системы с учетом возраста пациентов и последствий пандемии для здоровья в остром периоде, а изучение путей, важных для понимания долгосрочных последствий, остается актуальной проблемой.

Современные аспекты развития отечественного здравоохранения включают множество мер по поддержанию исследований, направленных на улучшение результатов лечения хронических заболеваний. Внедряются современные принципы лечения и расширяются возможности системы здравоохранения по оказанию своевременной высококвалифицированной помощи пациентам с ССЗ. В стратегию развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы по семи приоритетным направлениям включены задачи по повышению качества оказания населению квалифицированных медицинских услуг<sup>2</sup>. Реализация данных задач, в том числе, путем оптимизации протоколов ведения больных с COVID-19 и ассоциированными с сердечно-сосудистыми патологиями, является одним из актуальных направлений медицины, ввиду высокой медико-социальной значимости данной проблемы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О новой стратегии развития

---

<sup>2</sup> Указ Президента РУз от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». Сборник законодательных актов.

Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и №ПП-215 от 25 апреля 2022 года «О дополнительных мерах по приближению к населению первичной медико-санитарной помощи и повышению эффективности медицинских услуг» и в других нормативно-правовых документах, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

